NAMANGAN VILOYATI MINGBULOQ TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Jomasho`y shaharcha, Bo`ston ko`chasi, 30 uy

2022 - yil 14 - dekabr 637-6-81-Q/22 Mingbuloq tumani hokimligi

Мингбулоқ туманида 2023 йилда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали ва комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (кейинги ўринларда – Низом) мувофиқ транспорт воситаларининг 2023 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Қуйидагилар:

Мингбулоқ туманида 2023 йилда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

Мингбулоқ туманида 2023 йилда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари
ва уларнинг тиркамалари — бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқ бўлмаган транспорт воситалари (мазкур бандниг иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

тиркамалар техник кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда.

4. Мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт

воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 март- 30 июнда;

иккинчи марта – 1 сентябрь- 31 октябрда ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь – 31 декабрда ўтказилади.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига транспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтказишда:

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга транспорт воситаси тури, маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателнинг идентификациялаш рақамларининг мувофиқлиги;

транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар, стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги;

махсус ва тезкор хизматларнинг транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сигналлар қурилмаларининг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги, шунингдек, транспорт воситасининг ранг-график бўяш схемаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига мувофиқлиги;

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширилишини таъминласин.

6. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги ДЙҲХХ органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан Низомга мувофиқ ўтказилади ҳамда тегишли йиғим ундирилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ДЙҲХХ органлари томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўрикдан ўтказилади.

7. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга техник кўрикдан ўтказиш жадвали асосида транспорт воситаларини техник жиҳатдан созлигини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

9. Туман ҳокимининг 2021 йил 16 декабрдаги 416-6-81-Q/21-сонли қарори ўз кучини йўқотсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари (Ҳ.Бойларов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Худойбердиев**

Mingbuloq tuman hokimining
2022 yil 14 dekabrdagi
637-6-81-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Мингбулоқ туманида 2023 йилда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказиш

Ж А Д В А Л И

	Ташкилот, корхона, хужаликлар, Т/рмуассалар номлари	**Техник кўрикни ўтказиш куни**	**Техник кўрик ўтказиладиган жой**	**Кўрикни ўтказиш вақти**	**Транспорт воситалари сони**
1	AF «ART SOFT TEX CLUSTER»	10.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	40 та
2	МК «Ватанпарвар» жамияти	13.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	16 та
3	Мингбулок туман хокимлиги	14.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	7 та
4	Мингбулок тумани Телекоммуникация богламаси	15.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	1 та
5	Санитария эпидимиолгия осоийшталик маркази	16.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	2 та
6	«Ухуд» фермер хужалиги	17.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	3 та
7	Водийгазтаъминот унитар корхонаси “Мингбулоктумангаз” филиали	20.04.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	8 та
8.	Туман ветеринария булими	04.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	1 та

9. Довдуқ алока касб хунар коллежи	05.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	4 та
10. Жомашуй КХ касб хунар коллежи	08.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	3 та
11. Задарё ирригация тизими бошкармаси	11.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	6 та
12. «Тоза худуд, Ободонлаштириш бошкармаси	13.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	6 та
13. «Мингбулокдавсувмахсуспудрат» ДУК	15.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	5 та
14. Мингбулок «Агротехсервис» МЧЖ	16.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	1 та
15. «Мингбулок тола сервис» ф/хужалиги	18.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	13 та
16. «Диёр Замондош» МЧЖ	21.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	6 та
17. ООО «Замондош» МЧЖ	22.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	3 та
18. Сил касалликлар шифохонаси	23.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	1 та
19. Мингбулок туман Солик инспекцияси	25.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	1 та
20. «ООО СП Мингбулокнефт»	26.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	2 та

21.	Фермер хужаликлар, кичик ,хусусий корхоналар	27.05.2023 йил	Ўз. Рес. ВМнинг 09.03.2021 йилдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 29 ва 34-бандларида кўрсатилган жойларда	09-00 дан 15-00 гача	27 та

Mingbuloq tuman hokimining
2022 yil 14 dekabrdagi
637-6-81-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Мингбулоқ туманида 2023 йилда транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказиш бўйича комиссия

Т А Р К И Б И

Комиссия раиси :		
Н.Абдуллаев		туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори, катта сержант
Комиссия аъзолари:		
А.Бекзаматов	-	Наманган вилояти транспорт бошқармаси сектор мудири
Н.Холбўтаев	-	Туман мудофаа ишлари бўлими техник ходими
А.Хатамов		Туман экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспексияси
Х.Оқбоев	-	туман автомотохаваскорлар кунгилли жамияти аъзоси, тадбиркор
Комиссия котиби:		
Д.Қодиров	-	Туман ички ишлар бўлими ЙҲХГ МАБ инспектори, катта сержант

Изоҳ: Комиссия таркибидаги ходимлар бошқа иш ёки лавозимга ўтган тақдирда комиссия таркибига уларнинг ўрнига тайинланган ходимлар киритилади.